

МАЪРИФАТПАРВАР-ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ҲАРАКАТЛАРИ ТАРИХИДАН

А.Э.Курахмедов - СамДЧТИ доценти

Қадим-қадимдан бу муқаддас Ватанимиз тупроғида буюк аждодларимиз миллат истиқлоли, мустақиллиги, фаровонлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмуши йўлида курашиб келган. Айниқса, XIX аср охири XX аср бошларида чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсати ва Туркистонда ҳукм сураётган феодал қолоқликка қарши курашга отланган ҳамда уша давр тузумига қарши чиққан тараққийпарвар-маърифатпарвар кучлар – “жадидлар кураш майдонида ҳаракат қилганлар”.

XX аср бошларида Туркистонда жадидчилик кундан-кунга авж ола бошлади. Жадидлар ўзларининг маърифатпарварлик мақсадларини амалга ошириш билан бирга сиёсий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш йўлида курашдилар. Биринчидан, чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсати авжига минган, иккинчи томондан социал-демократлар сиёсий майдонда тобора яққолроқ кўринаётган, Туркистон халқлари қайси йўлдан бориши тўғрисида ўйлайдиган ўта мураккаб бир тарихий шароитда жадидчилар ўзларининг асл ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий мақсад ва вазифаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқдилар. Шундай қийин бир вазиятда аввало замонавий илмлар билан қуролланиш шарт, бинобарин, миллий ўзига хослик, урф- одатлар, қадриятлар, диний ақидаларнинг энг илғор ва муҳим нуқталарини пухта эгаллаш ва шу билан бирга ўзлигини йўқотмаслик, иймон-эътиқодда мустаҳкам туриш, чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш, мустақиллик ва истиқлолга эришиш масалаларини кескин килиб қўяди. Жадидлар бу мақсад ва вазифаларни амалга оширмасдан миллий мустақилликни қўлга киритиш мумкин эмаслигини алоҳида уқтирадилар. Агар замонавий илмлар билан қуролланилмаса айни кунларда барча етакчи ишларни ўз қўлларига киритиб олган мустамлакачилардан қутулиб бўлмайди, деган фикр билан жадидлар ҳаракат қилдилар. Мисол учун, уша давр матбуотида ёзилишича, “XX аср бошидаги рус-япон урушидан кейин маҳаллий халқларда ўз аҳволларини яхшилаш учун умидлари кучайди, шу билан биргаликда жадидларнинг сиёсий фаолияти ҳам кучая борди”(М.Н. Под знаком ислама. Новый Восток, 1923.-№4.- 89 б.).

Жадидлар чор ҳукуматининг мустабид ва мустамлака бошқаруви усулига қарши курашда фаоллик кўрсатдилар. Шу мақсадлар йўлида турли хил гуруҳлардан иборат жадидлар уюшмасини ташкил этдилар. Маълумотларда ёзилишича, яширин айғоқчилар текширган гуруҳлар ичидан сиёсий мафкура

билан қуролланган ёш миллий зиёлиларни аниқладилар (Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, фонд-461, рўйхат-1, иш- 1820, варақ-298). Ўзларининг маърифатпарварлик ғояларини амалга ошириб, янги усулдаги мактаблар очиб, унда замонавий ва диний фанлар ўқитиш, маҳаллий халқнинг маданий-маънавий савиясини ошириш учун курашган жадиждлар эндиликда сиёсий муаммолар билан тарих майдонига кирдилар.

Жадиждлар Туркистон матбуоти саҳифаларида сиёсий чиқишлар қила бошладилар, мисол учун, “Шуҳрат” газетасининг 1908 йил 10 январ 5-сонидан Мунавварқори Абдурашидхонов томонидан “Тошкент 8 январда” (ЎРМДА, ф.-1, р.-4, иш-1216, в.-2) номли сиёсий мақоласида Россиянинг сиёсий тартибларидан норози бўлганлигини ҳамда охириги уч йил давомида ишлаётган III Давлат Думаси халқники эмаслигини уқтиради. Жадиждлар Туркистоннинг сиёсий, миллий ва маданий-маънавий шароитларини, келажагини ўзлари томонидан чиқарилаётган газета ва журналларда мақолалар билан эълон қилганлар. Улар чоризмнинг мустамлакачилик зулми, миллий мустақилликка эришиш учун астойдил кураш олиб борганлар.

Мисол учун, жадиждлар ўзларининг фикрлари, ғоялари ва мақсадларини халққа етказиш, бир бирлари билан фикр алмашиш борасида кечалари яширин уйларда йиғилишиб суҳбатлар, савол-жавоблар ўтказиб турганлар. 1917 йилга қадар бу йиғилишлар “Гап” (ЎРМДА, ф.-и.-461, р.-1, иш-2144, в.- 57) номи билан маълум бўлиб, уларда ижтимоий-сиёсий мавзуларда суҳбатлар, газета ва журналлар уқилар ва даврнинг асосий муаммолари тўғрисида фикрлар алмашинар эди. Тошкентда бундай “Гап”ларнинг раҳбари Мунавварқори Абдурашидхонов бўлиб, ўз атрофига маҳаллий зиёлилардан Авлоний, Асқаров, Шокиржон, Убайдулла Хўжаев ва уша даврнинг буюк тараққийпарварларини бирлаштирган эди. Бундай ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ғоялар остида ўтказилган “Гап”ларни чор мустамлакачилик ҳукумати таъқиб остига олган, натижада жадиждлар уларни тухтатишга мажбур (ЎРМДА, ф.-и.-461, р.-1, иш-2144, в.-89) бўлганлар.

Жадиждлар ўз фаолиятларида сиёсий Дастурни ҳам белгилаб олганлар. Заки Валиди Тўғон ўз хотираларида “Жадид тараққийпарварлари” партиясининг Дастури 19 банддан иборат эканлигини таъкидлаб (Заки Валиди Тўғон “Хотиралар”, Қаранг: Шарқ Юлдузи, 1993 йил, №7-8, 176-177 бетлар) унда асосий эътибор мустақиллик, миллий озодлик, миллий сиёсий ҳуқуқлар, виждон, матбуот, нашриёт эркинлиги, тинчлик-тотувлик ва бошқа ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маъданий масалаларни қамраб олган эди. Энг асосийси Туркистон жадиждларининг сиёсий Дастури халқ мустақиллиги, халқ манфаати ва ўлканинг равнақи, ривожланиши ғояларига асосланиб тузилган эди.

Маърифатпарвар жадидларнинг сиёсий қарашларини Махмудхўжа Бехбудий фаолиятида кўришимиз ҳам мумкин. Мисол учун, 1906 йил ноябрида “Хуршид” газетасида “Фельетон” мақоласида Бехбудий давлат Думаси тарафдори бўлган Россиядаги кадетлар партиясини ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди (М.Ваҳобов. Жадидизмнинг социал моҳияти. Ўзбекистон коммунисти. 1960 йил, №1, 83 бет).

Бехбудий вақтли матбуотдаги ўз чиқишларида чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини танқид қилар ва нафақат Туркистон ўлкасида балким Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга ҳам эътибор қаратар эди. Унинг 1917 йил “Хуррият” газетаси 1 май сонисида “Бухоро воқеалари ва дафғи тухмат” мақоласида Туркистон вакиллари Бухоро ижтимоий-сиёсий ахволини билиш, ёрдам кўрсатиш, халқ оммаси билан суҳбат қуриш масаласида ташриф буюрганлигини таъкидлайди. Туркистон вакиллари орасида шахсан Махмудхўжа Бехбудий ҳам иштирок этган бўлиб, Бухоронинг иқтисодиётига, сиёсатига алоҳида эътибор билан қарайди (Иброҳим Ғофур “Амир нега Бехбудийга қўл бермади”. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994 йил, 6 май, №16-17.). Умуман, Бехбудий Туркистон жадидлари ичида ҳаракатлари билан ажралиб турганлиги, интилувчанлиги, маърифатпарварлиги учун Туркистон жадидларининг отаси номини олган эди. Манбалардан “Сиёсий курашдан Бехбудий узоқ эмас. Мустаҳкам, аниқ халқнинг тарафдори Туркистон тараққийпарвар ўзбек зиёлиларининг доҳийси”, деб таъкидланганлигини билишимиз мумкин (М.Ф. Махмуджоджа Бегбудий, Наука и просвещение, 1922, №1, август-сентябр, 24 бет).

Туркистонда жадид намояндаларининг мустақиллик, озодлик, истиқлол учун курашларида сиёсий фаолиятлари алоҳида ажралиб турган. Жадидлар 1905-1917 йиллар давомида ўлкада ўзлари раҳбарлигида “Тараққий” 1906 йил, “Хуршид” 1906 йил, “Шухрат” 1907 йил, “Тужжор” 1907 йил, “Самарканд” 1913 йил, “Ойина” 1913 йил, “Садойи Туркистон” 1914 йил, “Садойи Фарғона” 1914 йил чиқарилган газета ва журналларида Туркистон мустақиллиги, озодлиги, мамлакат равнақи, ривож ва тараққий этиш учун чиқишлар қилганлар ва ана шу йўлда жонларини фидо ҳам этганлар. Туркистон жадидларининг табаррук номлари қайта тикланди. XIX аср охири XX аср бошларидаги жадидларнинг сиёсий, маънавий-маърифий фаолиятлари ҳаққоний, илгари ёритилмаган саҳифалари олимларимиз томонидан тарих зарварақаларига киритилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М.Н. Под знаком ислама. Новый Восток, 1923.-№4.-89 б
2. М.Ф. Махмуджоджа Бегбудий, Наука и просвещение, 1922, №1, август-сентябр, 24 бет

3. Иброҳим Ғофур “Амир нега Бехбудийга қўл бермади”. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994 йил, 6 май, №16-17
4. М.Ваҳобов. Жадидизмнинг социал моҳияти. Ўзбекистон коммунисти. 1960 йил, №1, 83 бет
5. ЎРМДА, ф.-и.-461, р.-1, иш-2144, в.-89
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, фонд-461, рўйхат-1, иш-1820, варақ-298